

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

СОҲА БИРИКМАЛАРНИНГ ТАРЖИМА ШАКЛЛАРИ

Пўлатова Ўғилхон Собиржон қизи
Хорижий тиллар кафедраси

Аннотация

Ушбу тезисда соҳа бирикмаларнинг таржима шакллари ва уларни қўллашдаги юзага келадиган муаммоларни кенг ёритилган. Таржима қилишдаги ўзгармайдиган турғун (барқарор) бирикмалар ва тез-тез ўзгариб турувчи эркин бирикмалар ҳақида тушунча берилган.

Калит сўзлари: бирикмалар, тил, таржима, инглиз тили.

Таржимон соҳа терминлари таржимасида бевосита неологизмларга дуч келади. Шу боис неологизмлар таржимаси унга ўзига хос қийинчилик туғдиради. Таржимада икки тоифадаги неологизмлар учрайди ва уларни бирини иккинчисидан фарқлаш керак: 1) янги сўзлар, 2) "эски" лексик бирликларнинг янги маънолари. Таржимонлар учун иккала тоифа ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Соҳада сўнги йилларда вужудга келган сўзлар қуйидагилар, хусусан, *lock-in* - бино ичидан беркитиб галаён кўтариши; *sit-in* - норозилик; *brinkmanship* - ёмон вазиятни олдини олиш маневри.

Тасвирий ифодалар таржимаси жараёни тизимли тилларда турлича кузатилади. Ҳар қандай тилнинг луғъат таркибининг хусусиятларидан бири бу турли хил лексик бирликларнинг компонентли шаклга кириш хусусияти саналади. Булар композицион шаклдаги сўз бирикмалари ҳисобланиб, синтактик боғланишдан ташқари мазкур бирикмалар семантик жиҳатдан турга бўлинади. Булар шаклан ўзгармайдиган *турғун (барқарор) бирикмалар* ва тез-тез ўзгариб турувчи *эркин бирикмалар*дир. Ушбу бирликлар гоҳ у шаклда, гоҳо бу шаклда соҳа терминологиясида ҳам учраб туриши таржимонга бироз ноқулайликлар яратади. Шунинг учун таржимон турғун бирикмалар ҳақидаги маълумотни яхши ўзлаштирган бўлиши керак, чунки улар нутқда идиоматик характерга эга. Бу каби бирикмалар соҳа терминологиясида ҳам учраб туради ва ушбу бирикмаларни сўзма-сўз таржима қилиш жумлалар ғализлиги ёки мантиқий хатоликларни юзага келтиради. Масалан, *темир панжара* бирикмаси эркин бирикма ҳисобланиб, таржимаси *iron fence* тарзида бериш ўринлидир, *темир ирода* турғун бирикма ҳисобланиб, таржимада *iron will*



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

тарзида бериш мантиқий хатолик ҳисобланади. Эркин ва турғун бирикмаларига доир таҳлилларимизни қуйидаги жадвалда ҳавола қиламиз (жадвал).

Жадвал

Соҳа бирикмаларнинг таржима шакллари

эркин бирикмалар		турғун бирикмалар		
соҳага дахлдор		соҳага дахлдор эмас		
ўзбек тили	инглиз тили	ўзбек тили	инглиз тили	хато
<i>темир панжара</i>	<i>iron fence</i>	<i>темир ирода</i>	<i>cast-iron will</i>	<i>iron will</i>
<i>қуролланган бўлинма</i>	<i>armed detachment</i>	<i>тишигача қуролланган</i>	<i>armed to the teeth</i>	<i>қуролланган тишлар</i>
соҳага дахлдор эмас		соҳага дахлдор		
<i>елкани ялонгочламоқ</i>	<i>to lay bare a shoulder</i>	<i>қилични ялонгочламоқ</i>	<i>to take up sword</i>	<i>to bare sword</i>
<i>тартибсизликка (ўзи) яқунясамоқ</i>	<i>to end with disorder</i>	<i>ҳаётга (ўзи) яқун ясамоқ</i>	<i>to commit suicide</i>	<i>to end (own) life</i>

Таҳлилларимизга кўра, баъзи ўзбек ва инглиз иборалари бир хил яъни семантик, стилистик, шунингдек, ҳиссий жиҳатдан таржимоннинг вазифасини сезиларли даражада енгиллаштиради. Масалан, *савол моҳияти - the heart (the essence) of the matter; музатиб бўлмайдиган зарар - irreparable damage.*

Инглиз тили: *The investigators felt that these works will cause irreparable damage to the environment of the area - тарж.: терговчилар бу ишлар ҳудуд экологиясига музатиб бўлмас зарар етказишини хис қилишди.* **Инглиз тили:** *Inside of the wall, the workers have established a grey iron fence with a small gate, where the prisoners can not escape – тарж.: ишчилар маҳбуслар қочиб кета олмасликлари учун кичик дарвозали қулранг темир панжара ўрнатилди.* Агар таржимон соҳага доир теран билимларга эга бўлса, бу ҳолат катта муаммо туғдирмайди.

Модуляция (семантик, мантиқий ривожлантириш) – аслият тилининг лексик бирлик ёки иборасини таржима тилининг бирлиги билан алмаштирадиган, моҳияти мантиқий жиҳатдан асл бирлик маъносидан келиб чиқадиган

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

лексико-семантик таржима усули ҳисобланади. Бундан ташқари, аслиятдаги лексик бирлик маъносини таржимада кучайтириб бериш билан ҳам ажралиб туради. Таркибида иқтисодий жиноят содир этилган қуйидаги мисолни ҳавола этамиз, **инглиз тилида:** *The Panel finds that Dredging International failed to demonstrate that it incurred any loss with respect to payment of premiums for war risk insurance* - **тарж.:** *Гуруҳ “Дреджинг интернэшнл” (Dredging International) уруш хавфи суғуртаси бўйича ҳар қандай зарар кўрганлиги бадалларини тўлаш бўйича хато қилган деб ҳисоблайди.*

Мазкур жараён кўп ҳолларда *калькалаш* билан алмаштирилади, бироқ улар ўртасида фарқ мавжуд. *Модуляция* орқали бутун жумла, мураккаб бирикмалар таржима қилинса, *калькалаш* орқали бир ўзакдан ташкил топган ёки қўшма сўзлар таржимасида кенг фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Суперанская А. В., Теоретические основы практической транскрипции, 1978.
2. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти, Ўзбекистон НМИУ. -Т.: 2010. - Б 264.
3. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии / Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Т. I. Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. – М.: Московский лицей, 1994. – С. 218 – 284.
4. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 252 б.

